

qoldirmagan. Jumladan, Ahmad Yassaviy, Imodiddin Nasimiy, shuningdek, Boborahim Mashrab nomini alohida qayd etish joiz.

Xulosa. Mashrab she'rlarida ilgari surilgan g'oyalar – shijoat, matonat, tanlagan e'tiqodiga sadoqat, adl-u amniyatga bo'lgan yuksak muhabbat kabi umumbashariy g'oyalar yurtimizda barkamol avlodni tarbiyalashdek ulug' maqsad yo'lida beminnat xizmat qila oladi.

ADABIYOTLAR

1. **Машраб Бобораҳим.** Меҳрибоним қайдасан. – Т.: Фафур Фулом, 1990. – Б. 415.
2. **Машраб Бобораҳим.** Мабдайи нур. – Т.: Фан, 1994. – Б. 36.
3. **Иброҳим Ҳаққул.** Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 336.

УДК: 891.709

ИҚБОЛ МИРЗО ИЖОДИДА ХАЛҚОНА ОҲАНГ ПРОСТОНАРОДНЫЙ СТИЛЬ В ТВОРЧЕСТВЕ ИКБОЛА МИРЗО SIMPLE FOLK STYLE IN THE WORKS OF IQBOL MIRZO

Давронова Махфуза Исроиловна

СамДУ филология факультети докторанти, фил.фан.номз.

Таянч сўзлар: шоир, шеър, халқона оҳанг, халқчиллик, қофия, лирик қаҳрамон.

Ключевые слова: поэт, стих, простонародный стиль, народность, рифма, лирический герой.

Key words: poet, poem, folk style, nationality, rhyme, lyrical hero.

Ушбу мақолада Иқбол Мирзо шеъроятида халқона оҳанг хусусида сўз юритилиб, шоир услуби ҳақида мулоҳаза юритилган.

В статье рассмотрено своеобразие идиостиля Икбола Мирзо.

The article deals with the common style of Iqbol Mirzo researches commonality of views in the works of these poets.

Кириш. Бадий ижод қайси кўринишда, яъни хоҳ халқ оғзаки, хоҳ ёзма шаклда бўлмасин у ўзининг халқчиллигини намоён қилсагина халқ севган асарларга айланади. Адабиётда халқчиллик тушунчасининг мазмуни шундаки, у ўзида халқ руҳини, халқнинг энг илғор хусусиятларини қамраб олади. Халқчиллик ҳақида рус танқидчиси Белинский шундай фикр билдирганди: «... агар халқчиллик деганда бирор халқ, бирор мамлакат одамларининг хулқ-атворини, урф-одатларини ва характерли хусусиятларини ҳаққоний тасвирлашни тушунадиган бўлсак, халқчиллик чинакам бадий асарнинг зарур шартидир. Ҳар қандай халқнинг ҳаёти фақат унинг ўзига хос шаклларида намоён бўлади, бинобарин, ҳаёт тасвири ҳаққоний бўлса, у халқчил ҳамдир» [1, 250].

Демак, бадий адабиётнинг вазифаси халқнинг ҳаёти ва турмуши, унинг орзу-умидлари, унинг манфаатларини тасвирлашдан иборат. Шунингдек, халқчиллик халққа хос бўлган хусусиятларни асардаги қаҳрамонлар характерида акс этиши, халқ тилида ёзилиши, унда фразеологизмлар ва образлардан фойдаланишида ҳам англашилади. Н.А. Добролюбов адабиётнинг халқчиллиги тушунчасига янада юксакроқ мазмун бахш этиб «чинаккам халқчил асарда халқнинг «хусусий маиший эҳтиёжларигина» эмас, халқнинг умумий манфаатлари акс этиши керак», - дейди [4, 80]. Дарҳақиқат, халқчил асарларда образларга бўлган муносабат ҳамда халқ манфаатларини ўзида акс эттириши лозим. Шу нуқтаи назардан адабиётшунос Х. Расулов фикрлари ҳам қимматли: «халқчиллик бадийлик билан чамбарчас боғлиқ, улар бир-бирини тўлдиради ва асарда бир бутунликни ташкил этади. Халқчиллик турли даврларда турли хилда кўриниши ва амалга оширилиши мумкин» [3-6] - дейди.

Асосий қисм. Юқоридаги фикрларга қараганда ҳаққонийлик – реаллик халқчилликнинг асосий элементларидан бири деб тушунадиган бўлсак, адабиёт ва санъат асарларида тасвирланаётган макон ва замон бирлигидагина у ўз ифодасини тўғри англатади. Халқчиллик тушунчасини шеърятда оҳанг ҳам ифода этади. Халқ

оҳангларида куйлаш ва ритмнинг ўзига хос кўринишини бериш ҳам халқчилликнинг бир кўриниши сифатида тушуниш мумкин.

Ўзбек адабиётида халқнинг ўтмиши, бугуни ва эртасини куйлаган халқ оҳанги асосида ифода этган шоирлардан бири Иқбол Мирзо саналади. Шоир шеърлари халқ поэтик ижодидаги шаклларга яқин туради. Бу эса шоирнинг халқ поэтик ижодини тинимсиз ўрганиб, улардан озиқланганлигини ва ижодий фойдаланганлигидан далолат беради. У ўз ижодида гоҳ халқ қўшиқларидан, лапарлардан фойдаланса, гоҳ халқ мақолларию ибораларини маҳорат билан шеърга сингдириб юборади. Шу билан биргаликда шеърларини халққа тушунарли бўлган сўзлашув услубида ёзади ва шу тил орқали халқ дардини куйлашга интилади. Бу эса шоир ижодини халқ қалбига яқинлаштирувчи омиллардан биридир. Шу каби жиҳатларни “Ўғлимга” шеъри мисолида кузатиш мумкин:

Умр берсин худойим,
Ғурур берсин, илойим.
Дагарим, эркатойим
Ботир йигит бўлади.

Бўй бермайди ташвишга,
Ғийбатларга, миш-мишга
Мен қилолмаган ишга
Қодир йигит бўлади.

Кўзим тегмасин, туф-туф!
Сўзим тегмасин, туф-туф!
Худо хоҳласа, ўсиб,
Оғир йигит бўлади [2, 194].

Шоир ушбу шеърини бағишлов жанри асосида яратган. Унда келажакка умидвор бўлган ота қиёфаси гавдаланган. Халқимиз болажон халқлардан бири бўлганлиги сабаб барча яхши тилакларни, истакларни, орзуларни фарзанд билан боғлайди. Фарзандининг камолини кўриш, унинг ютуқларига шерик бўлиш, бахт-саодатга етказиш учун оталар тиним билмай изланишади, шароит яратишади. Шу асосда ёш авлод келажакни таъминлашади. Ушбу шеърда ҳам келажак билан боғлиқ ширин орзулар акс этганки, у ўғлининг ўсиб-улғайиши ва вақт-соат етганда ота ёнига кириши каби умидларга гувоҳ бўлиш мумкин. Асосийси, шоир шеърни халқона ритм билан юзага келтириб, халқ сўзлашув тилида учрайдиган ирим-сирим, миш-миш каби сўзларидан унумли фойдаланади. Бу эса шоир шеъриятининг халқона оҳанг билан йўғрилишига йўл очади. Айниқса, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиши шеърнинг ўқимишлилигини таъминлайди.

Иқбол Мизонинг ўзига хос услуби бу ўйноқи мисраларда шеър ғоясини ифода этиши ҳамда ҳазил-мутойбага мойиллигида ҳам кузатилади. Ушбу ҳазил мутойибани ҳам халқона оҳанг орқали бериши шоир услубидан дарак беради. Ушбу фикрга мисол “Ғийбатчилар ҳорманглар” номли шеъридир.

Салом беринг ва лекин
Яқинига борманглар,
Ассалому алайкум,
Ғийбатчилар ҳорманглар!

Тўқийверинг гап-тўрлар,
Ўзингиздан ортманглар.
Ассалому алайкум

Ғийбатчилар ҳорманглар! [2, 31]

Иқбол Мирзо шеъриятида поэтик идрок кечинма, ҳолат ва манзараларни зиддиятликда тасвирлаш замирида намоён бўлади. Бир пайтнинг ўзида яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик ҳақида сўз юритади. Шоирнинг «мен»и айтмоқчи бўлган фикрни кучайтириб боради, адолатсизлик ва ёмонлик каби иллатларни кулгу остига олади. Шоир ҳақли фикрни ўртага ташлайди. Инсониятнинг энг ёмон иллатларидан бири ғийбат. Ғийбат – нотўғри фикр уйғотибгина қолмай, бир инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юборишга сабаб бўлади. Бу ҳолатни чуқур англаган шоир шеърга енгил ҳазил бағишлайди ва унинг ўқимишлигини таъминлайди, ўқувчида қизиқиш уйғотади. Шу тариқа ўқувчи

қалбига яхшилик уруғини сочишга интилади. Ҳазил-мутуйибага йўғрилган ушбу шеърдан тўғри хулоса чиқарамиз. Шоир шеърнинг охириги мисраларида чуқур фикрни беради, ўқувчини огоҳликка даъват этади. Лирик қаҳрамон тилидан айтилган «Ғийбатчилар ҳорманглар» мисраси шеърда камоннинг теран отилган ўқи ўз маррасини тўғри нишонга олгандек таассурот уйғотади, ёмоннинг устидан енгил кулгуни яратишга ёрдам беради. Шоирнинг поэтик идроки мисрада теран маъно касб этади.

Шеърда асосий маъно ташувчи объект бўлган ғийбатчи образи аниқ бўлиб, ўқувчи онгида гавдаланади, тасаввурда унинг сурати чизилади. Аммо шеърнинг биринчи бандидаги образнинг ўша жойда қолмаганлиги, шоир ушбу образни «писмиқ», «бекорхўжа», «иркит жўжа», «бекорчи ойим», «мулойим» сингари сўзлар билан тақдирлаганлиги фикримизни ёрқин далиллайди. Худди мана шу, халқ жонли тилида учрайдиган сўзлар халқоналикка хизмат қилади. Шоирнинг юқоридаги сўзлари орқали ғийбат жирканч иш эканлигини ўқувчи англайди. Англашда эса шоирнинг идроки, бу идрокдаги аниқлик, ҳазил-мутуйиба ҳамда халқона оҳанг ёрдам беради.

Қалдирғоч - кўкламнинг лангари
Хут келди булутда - кемада
Сакради яшиллик лашкари,
Фақат гул келмади, келмади.

Нимпушти, нимяшил, нофармон -
Рангларга боғларни белади.
Унга на қонун бор, на фармон...
Фақат гул келмади, келмади [2, 56].

Шоир халқона оҳангни ранглар орқали ҳам беришга интилган. Ушбу шеърда Иқбол Мирзо оригинал тасвир орқали баҳор фасли табиатни ўз қучоғига ола бошлаганлигини кўрсатиб ўтади. Шоирнинг тасвирида баҳор кемада келиб, баҳор даракчилари бўлган илк қалдирғочлар унинг лангарига айланган. Кўзни қувонтирувчи яшиллик эса ўша кемадан сакраб тушиб ерни қоплайди. Нимпушти, нимяшил, нофармон ранглар орқали шоир боғлардаги яшиллик ҳамда гуллар тасвирини беради. Дунё гўзаллашган бўлса ҳам лирик қаҳрамон учун бу гўзалликларни янада гўзаллаштирувчи гулдан дарак йўқ. Шу сабаб у ҳар бир бандда ўзига хос “Фақат гул келмади, келмади” дея ёзғинади. Иқбол Мирзо услубига хос хусусиятларидан бири ғоянинг эҳтиросли тадқиқ этилишини таъминловчи образ ва деталларнинг кенг қўлланилишидир. Юқоридаги шеърда қўлланилган лангар, кема, лашкар, боғ каби деталлар ғоянинг таъсирли, эҳтиросли акс этилишини таъмин этгани учун улар ўқувчи қалбида кучли ҳаяжон, эмоция уйғотади. Шоирнинг қуйидаги мисраларида эса шеърда ифода этилаётган барча жараёнлар образли портрет яратишга хизмат қилган:

Ё жилғасиз ўзанидан адашган,
Ё юлдузсиз ногоҳ ерларга тушган,
Ёки қора қисматнинг бир қулисиз?
Кулсангиз ҳам бунчалар қайғулисиз [2, 24].

Ушбу шеърда шоир атай ёр қиёфасини, унинг портретини ўқувчи кўз олдига келтирмайди. Чунки бу ҳолат бадиий ғояни очишда хизмат қилмайди. Шоирнинг асосий мақсади ва шеърнинг мазмун моҳияти ҳам ёрнинг маънос ҳолати тасвирини беришдир. Маънос ҳолатда турган ёр қора қисмат олдига ожиз. Бу ожизликни эса оҳанг орқали бера олган. Мана шу оҳанг шеърнинг ўзига хос ритминин юзага келтирибгина қолмай, ҳолат тасвирини акс эттиришда ҳам қўл келган. Шоир ранг тасвиридан тўғри фойдаланади. У мисрадан мисрага ўтган сари фикр ривожлана боради ва ёр юзидаги маънослик янада ёрқинроқ акс этади. Шоир қисматни қора дейишига сабаб бор. Ҳаётнинг битиксиз қонунлари олдига чорасиз қолган ёрнинг шоир ҳар бир банднинг тақдорланувчи мисрасида ҳолатини аёнлаштириб боради.

Иқбол Мирзо шеърини руҳиятимизга янги-янги олам ҳақида тасаввур уйғотади, ҳаёлимизни янгиликка бошлабгина қолмасдан, ҳаётни англамаган жиҳатларини англаб олишга, биз учун қутилмаган хулосаларни чиқаришга ёрдам беради. Бу эса ўз рангин дунёни ва фикрлаш тарзига эга бўлган шоирлигидан далолат беради. У «Уйғониш» шеърда бундай ёзади:

Ўқувиллаган дунё, ўқувиллаган қалб,

На қувонч, на райҳон, на ғам, на ялпиз...
 Қип-қизил қумларни кечдим юз йиллаб,
 Узим билан ўзим яшадим ёлғиз [2, 136].

Бармоқ вазнда ёзилган шеърнинг дастлабки сатрларида кучли фикр берилмаган бўлса-да, бироқ инсон қалби бир умр танҳоликка маҳкум этилишини идрок этамиз. Шу жараёнда шоир бермоқчи бўлган рамзий тасвирни англаймиз. Бу рамз Ватаннинг 100 йиллик парокандалигини ёдга солади. Шу сабаб ўқувчида тинсиз саҳрода ёлғиз қолгандек таассурот қолдиради. $6+5=11$ туруқланишга эга бўлган ушбу шеър идрокимизни янгилайди. Шеърдаги Ватан тимсоли ўқувчи ҳис-туйғуси билан ҳамоҳанг тарзда ёлғизланади.

Бир куни ой билан тиллаша туриб,
 Ҳис қилдим юрагим оғирлигини.
 Кўклам селларидек қоним гупириб,
 Англадим яшашим зарурлигини.

И. Мирзо шахснинг руҳий ҳолати, сезгилари, ҳиссий олами, туйғулар тизими, ифода-нинг таъсирчан чиқиши билан ҳисоблашиш зарурлигини аниқ ҳис этади. Балки шундан хулоса чиқарган ҳолда шеърда инсон онги, унинг идроки, заковати кучли эканлиги, барча қийинчиликларни енгишга муваффақ бўла олишини ўқувчига англатиб: «Англадим яшашим зарурлигини» дея кашфиёт этади. Бу кашфиёт фақат инсоннинг яшашига берилган хулоса эмас, балки Ватан эрки, озодлиги, фаровон бўлишига берилган хулосадир.

Биз Иқбол Мирзонинг «Сизни куйлайман» сайланмасини кузатар эканмиз, ундан жой олган барча шеърлар шоирнинг безовта қалб эгаси, фикрчан шоир эканлигидан дарак беради. «Агар жаннат кўкда бўлса», «Ғийбатчилар ҳорманглар», «Юрт қўшиғи», «Айтгин дўстим», «Айланайин», «Кўзларингга термулсайдим» каби шеърлари ўқувчиларни фикрлашга, кеча ва бугунда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни англашга, уйғоқ бўлишга чақиради ҳамда бу шеърлар ритмик жиҳатдан халқона оҳанг билан суғорилганлиги сабаб ўқимишлигини таъминлайди.

Иқбол Мирзо шеърятининг яна бир хусусиятини поэтик идрок қилиш ва уни ўқувчига тақдим этилишидаги аниқлик ва муттасиллик, мунтазамликда дейиш мумкин. Шоир кунда кўриб, муомала-муносабатда бўлиб юрган нарсалардан мутолақа узоқлашиб кетмайди. У ўз фикрларига шаклланиш улар орасидан топади. Иқбол Мирзо муҳаббат мавзусида қалам тебратар экан, ширин висолдан ташқари азобли армон эканлигини ҳис эта борамиз:

Шоирлик ғирт бекорчи иш,
 Юмушим шу – хаёл сураман.
 Нима ҳақда? Ноқулай айтиш...
 Сизни ҳамон яхши кўраман [2, 64].

Ҳа, севги ва хаёл, ҳиссиётни оловга айлантирувчи, ширин орзулар оғушида суздирувчи қудрат. Лирик қаҳрамон – ошиқ. У кўнглини бир ёрга тақдим этган. Бундан афсус чекмайди. У унинг хаёли ила яшайди. Бу хаёл унга завқ-шавқ бағишлайди. Лирик қаҳрамоннинг хаёли бамисоли учқур от. У қаерга, қай томонга олиб бормасин, севги олдида, ёр олдида унга содиқлигича қолади. Ҳатто унга нисбатан ёмон кўз билан қарашдан ҳам асрайди. Ошиқнинг дил изҳорига қаранг: «Сизни ёмон яхши кўраман». Бундан ортиқроқ севги изҳори бормикин? Маъшуқа бундан ортиқроқ севги изҳорини эшита олармикин? Лирик қаҳрамоннинг соф муҳаббатига ишонмасликнинг иложи йўқ. Бу севги соф ва самимий. Шоирнинг «Бунчалар...» шеъри севги таронасининг кульминациясидек диққатимизни ўзига жалб этади. Уни ўқиймиз:

Қуёшга интиққан каби ғунчалар,
 Юрак сокин-сокин кўнғироқчалар.
 Нима деб куйлайди кўнғироқчалар?
 Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар.

Майин лиризм билан йўғрилган ушбу шеърда қалбни ишғол этиб, офтоб нури каби сизиб кира бошлаши ва бу севги оғушида маст бўлган юракка мустаҳкам ўрнашиб олганлигини шеърнинг биринчи мисралариданоқ ҳис этамиз. Бундай севги азоб бера

оладими? Йўқ, албатта. Шу сабабли ҳам шоир лирик қаҳрамоннинг ҳиссиётини тўйинтиради, унга жон бахшида этиб, янада кучайтиришга ҳаракат қилади. Албатта, бу ҳолатда унга халқ жонли тили ҳамда халқона ритм ёрдам беради. Юракнинг ёр қошида депсиниб уриши ва бу ҳолатни кўнғироқчага қиёслаш шоирнинг оригинал йўлдан борганлигидан далолат. Бироқ шоирнинг лирик қаҳрамони ёр қошида эмас, балки ўзининг ўй хаёлларида. Шу сабаб ҳам юракнинг депсиниб уриши секинлашади ва майин лиризмга йўл очади.

Ҳа, ҳар қандай қалб шу каби севгини хоҳлайди. Бундай дил изҳорини баён этган лирик қаҳрамон ўз ёрини асраб-авайлаши, унинг кўзларидан бирор томчи ёш оқмаслиги учун ҳаракат қилади. Бахт деб аталган кўрғонига олиб киришини истади. Бу истак «Кўзларингга термулсайдим» шеърида куйидагича эътироф этилади:

Дараларга қамаб кўйиб бўронларни,
Тинчлантисам юракдаги суронларни
Бир эркалаб, бўйин тўксам райҳонларнинг
Ҳузуригга мен ўзимни келтирсайдим,
Кўзларингга термулсайдим, термулсайдим [2, 252].

Юракдаги суронни тинчлантириш, ўзини ёр қошига келтириш ва бутун умр шу маъсум кўзларга термулишни иташ. Бу ҳар бир ошиқнинг кўнгил кечинмаси. Тўғрироқ айтсак, унинг орзуси. Бу орзу шу даражада мусаффоки, натижада такрор сўзлар яна бир карра бу маъсумликни бизга англатишга ёрдам бермоқда ҳамда ўзига хос халқона ритмни яратмоқда. Иқбол Мирзонинг лирик қаҳрамони ана шундай ошиқ. У бу ошиқни тасвир этар экан, муҳаббатнинг софлигини асрашга интилаётанини, ана шундай севгигина қалбларда боқий жой олиши мумкин эканлигини уқтиради. Шундай севгига ўқувчида ҳавас уйғотади.

Иқбол Мирзо шеъриятида оҳангга эътибор қаратганлиги ва шу йўл орқали ҳазми енгил, ўйноқи мисралар яратганлиги ижодини халқ оҳангларига янада яқинлаштирган жиҳатлардан бири. Шоирнинг “наврўзгули” эътиборга молик:

Наврўзгули, бойчечаким, бормисан,
Мен сенга зор, сен ҳам менга зормисан?
Муз ичида асрадим мен кўнглимни,
Сен ўзингни асраб, бахтиёрмисан?

Омонлиқсан, тўтиёсан кўзларга,
Севги мактубисан масъум қизларга.
Суйкаласан дудоқларга, юзларга,
Битта ўзинг бир бутун гулзормисан? [2, 48]

Шеър ритмини юзага келтирган образ бойчечак. У баҳорнинг даракчиси. Янгиланиш, яшаришнинг кўриниши. Шоир ҳам бу каби кўриниш англаган ҳолда унга “асал ва сут бўйи келар атринг” бор дея эътироф этади. Энг нозик гуллардан бири эканлигини таърифлар экан, ундан дардига малҳам топиш илинжида ёзғирини. Шу сабаб “Ай кўнгилни қитиқлаган эрка гул” дея унинг дарддоши, ҳамроҳи, юпанчига айлантиради.

Иқбол Мирзо анъанавий формада яъни бармоқ вазнида шеърлар яратиши шоир услубининг яна бир кўриниши. Анъанавий шаклда шеър яратса-да, шеърларидаги ҳиссиёт фикрни, фикр эса ҳиссиётни тўлдириб келади. Шоирнинг “Ёлғиз” шеърига мурожаат этамиз:

Милён йилда мени яратди ҳаёт,
Мени сўраб, тоғлар қатор чўқди тиз.
Наҳот англамайсан, билмайсан наҳот,
Ахир мен биттаман, ягона, ёлғиз.

Нафасим – ғанимат, сўзим – ғанимат,
Фожа – пойимдан узилган ҳар из.
Менинг нигоҳларим энг эзгу неъмат,
Ахир мен биттаман, ягона, ёлғиз [2, 16].

Шоир анъанавий мавзуга мурожаат этар экан, унда айтилажак ўз сўзини топа олади. Шеър 6+5=11 ҳижоли бўлиб, унда лирик қаҳрамон ошиқ қиёфасида акс этади, у ўзи ягоналигига ёрини ишонтиришга ҳаракат қилди. “Менинг нигоҳларим энг эзгу неъмат”

мисрасида меҳр, севги, ҳиссиёт каби тушунчалар жамланган. Бу жамланишни биргина кўз, нигоҳ акс эттирадики, бу каби нигоҳ ҳақиқатдан бошқа инсонларда учрамаслиги аёнлашади. Фақат унга бўлган меҳр тўла нигоҳ ёр ўз севгисига ишонтира олиши мумкин. Нигоҳнинг энг эзгу неъмат бўлиб ўқувчига тақдим этилишининг ўзиёқ халқоналикка йўл очган. Қофиядош сўзларнинг ритми майин, куйга монанд бўлиб юзага келишига ёрдам бериб, шоир маҳорати ҳамда услубини юзага чиқаришда асосий ўринни эгаллаган.

Хуллас, Иқбол Мирзо шеърияти халқчиллик билан суғорилган ҳамда халқона оҳангда яратилган шеърият. Шоир қай мавзуда қалам тебратмасин, унда ижодкорнинг индивидуал қарашлари зухур топган ҳамда халқона оҳанг уфуриб туради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Белинский В.Г.** Адабий орзулар. – Тошкент: Фафур Фулом, 1977. – Б. 250.
2. **Иқбол Мирзо.** Сизни куйлайман. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 194 б.
3. **Расулов Х.** Ўзбек эпик шеъриятида халқчиллик. – Т.: Фан, 1966. – 6 б.
4. **Умунов Х.** Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 80 б.

УДК: 821.512.133

ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ШЕЪРИЯТДА ОЛОВ ОБРАЗИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)

ОБРАЗ ОГНЯ В УСТНЫХ И ПИСЬМЕННЫХ СТИХОТВОРЕНИЯХ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ ВТОРОЙ ПОЛОВИНЫ XX ВЕКА)

IMAGE OF FIRE IN ORAL AND WRITTEN POEMS (ON THE EXAMPLE OF UZBEK POETRY OF THE SECOND HALF OF THE XX CENTURY)

Шарипова Лайло Фрунзеевна

БухДУ бошланғич таълим кафедраси доценти, фил.фан.номз.

Таянч сўзлар: олов, ишқ ўти, тандир, фольклоризм.

Ключевые слова: огонь, любовь огня, тандыр, фольклоризм.

Key words: fire, flame of love, tandir, folklore.

Мақолада оғзаки ва ёзма шеъриятда олов образи бажарган поэтик вазифа XX асрнинг II ярми шеърияти мисолида ифода этилган.

В статье рассмотрена поэтика образа огня в узбекской поэзии второй половины XX века.

The article deals with the poetics of the image of fire in Uzbek poetry of the second half of the twentieth century.

Кириш. “Олов” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да форсча сўз сифатида “Юқори ҳароратда ёниб, нурланиб” турган газ, аланга, ўт; “Иссиқлик, ҳарорат” тарзида изоҳланади [12, 534]. “Авесто”нинг “Ясна” қисмдаги 62-хот олов ҳақида: “Сен бу хонумонда ёруғлик бўл! Сен бу хонумонда абадий нур бўл! Сен бу хонумонда мунаввар бўл!” Профессор М. Қодировнинг хулосаларига кўра, “Хоразмда яқин йилларгача ўйнаб келинган “Машъала” ва “Ўт-ўйин”, Бухоро амирлигида расм бўлган “Оташхўр” томошалари бир замонлар Қуёш, Олов ва Митра тимсолларига боғлиқ бўлган... “Лазги” рақсининг бизгача етиб келган шаклларида Қуёшга, Оловга, Митрага сиғинишнинг излари аниқ кўриниб туради” [13, 44]. Олов инсонни ҳайвонот оламидан, совуқдан ҳимоя қилган ва улардан инсонни кучли қилиб қўйган восита сифатида қадри бўлиб, юнон асотириларида бошлаб ҳозиргача дунё оғзаки ва ёзма адабиётида тавсифланиб келади. Гоҳ ўз маъносида ёки кўчма маънода қўлланса, гоҳ образ даражасига кўтарилади.

Асосий қисм. Инсоният ҳаётининг илк давридаёқ кучли бўлиш учун оловга ва сувга эга бўлиш лозимлигини тушунган. Бу икки нарсани асраб-авайлаган, жумладан, оловнинг ўчиб қолмаслиги қабиланинг, кейинчалик оиланинг яшаш тарзини белгилаган. Шу маънода, тадқиқотчи С.В. Чагдуровнинг талқинида асос бор, олим “хатун” сўзи қадим туркийча бўлиб, “хат” – “олов” ва “- ун” қўшимчасидан ясалган бўлиб, асл маъноси “олов